

ғазотга чиқдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортга қайтганларида мен ҳам бирга қайтдим. Тиканли дарахтлар кўп бўлган водийдалигимизда туш пайти бўлди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушдилар. Одамлар дарахтлар тагида соялангани тарқалиб кетишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир самура (дарахти)нинг тагига тушдилар-да, қиличларини унга осиб қўйдилар. Бир оз ухладик. Бир маҳал Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни чақириб қолдилар. Қарасак, олдиларида бир аъробий. У зот: **«Манави ухлаётганимда қиличимни чиқариб олибди. Уйғонсам, (қилич) бунинг қўлида яланғоч экан. У: «Сени мендан ким асрай олади?» деди. Мен уч марта: «Аллоҳ!» дедим»**, дедилар. У зот уни жазоламадилар. У ўтириб қолган эди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа бир ривоятда Жобир розияллоҳу анҳу айтдилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Зотурриқоъда эдик. Бирор сояли дарахтга етиб келсак, уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қолдирардик. Шунда мушриклардан бир киши келибди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари эса дарахтга осилган экан. У уни суғуриб олибди ва: «Мендан қўрқяпсанми?» дебди. У зот: «Йўқ», дебдилар. У: «Сени мендан ким асрай олади?» дебди. У зот: «Аллоҳ!» дебдилар.

Абу Бакр Исмоилий ўз «Саҳиҳ»ида қуйидагича келтиради:

«У киши: «Сени мендан ким тўса олади?» деганида, у зот: **«Аллоҳ»**, дедилар. Шунда у кишининг қўлидан қиличи тушиб кетди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилични олиб: **«Сени мендан ким тўса олади?»** деганларида, у киши: «Яхши муомалада ушланг», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, албатта мен Аллоҳнинг расули эканлигимга гувоҳлик берасанми?»** деганларида, у киши: «Йўқ! Лекин сен билан уришмасликка ва сен билан бирга урушувчи қавмлар билан бирга бўлмасликка аҳд бераман», деганида, у зот уни қўйиб юбордилар. У шериклари ҳузурига келиб, «Одамларнинг энг яхшиси ҳузуридан келяпман», деди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVIDLARI

